

Фарғона давлат университетининг ижтимоий-иқтисодий факультети профессор-ўқитувчилари айни кунда Европа Иттифоқининг Erasmus+ дастури доирасида молиялаштирилаётган «MAGNET-Университетлар Ўзбекистонда ишсиз ўрта ёш аҳолини касбга йўналтириш марказлари тармоғининг асосий ҳамкори сифатида» деб номланган халқаро лойиҳада иштирок этмоқдалар.

▼ Халқаро ҳамкорлик

ЛОЙИҲА ДОИРАСИДА УЧРАШУВ

Лойиҳанинг асосий мақсади ишсиз ўрта ёш аҳолини касбга йўналтириш ва уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш орқали давлатнинг аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги ислохотларига кўмаклашиш, ишсизлик даражасини пасайтириш, аҳоли реал даромадларини ошириш ҳисобланади.

Яқинда университетда ушбу лойиҳанинг биринчи координацион

учрашуви бўлиб ўтди. Унда Европа Иттифоқидаги ҳамкорлар – Лейпциг-амалий фанлар университети (Германия), ГУАРДА политехника институти (Португалия), Латвия маданият коллежи ҳамда ўзбекистонлик ҳамкорлар иштирок этдилар. Учрашувда ҳамкор ташкилотлардан ташриф буюрган вакиллар лойиҳа доирасида ўз тақдимотларини ўтказдилар.

Шунингдек, Европа Иттифоқи мамлакатларида шаклланган тажрибаларни Ўзбекистон олий таълим муассасалари ва бандликка кўмаклашувчи институционал тизимларга жорий этиш, ташкил этилиши



кутилаётган карьер марказлари (Андижон, Фарғона, Нукус ва Қарши) фаолияти билан боғлиқ масалалар юзасидан ҳам фикрлар алмашилди.

**С.ИСМОИЛОВА,
Д.ЧИЛМАТОВА,
иқтисодиёт назарияси
кафедраси ўқитувчилари, лойиҳа
ижрочилари.**